



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378:004

КБК: 74.58

Р - 25

Расулов, Ш.

Олий таълимни ривожлантиришда электрон таълимнинг роли [Матн] : методик қўлланма / Ш .Расулов. Э. Мойлиев. – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-9096-5-6

Ушибу қўлланма Олий таълимни ривожлантириши тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиши маркази томонидан олий таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиши борасида методик ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Қўлланма электрон таълим ва унинг турлари, электрон таълим дастурини лоийхалаш, интерфаол контент яратиш, ўқув фаолиятини бошқариш ва осонлаштириши борасидаги масалаларга бағишиланган. Ушибу қўлланма олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ва ходимлари учун мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, А.Эшмуродов,
С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378:004

КБК: 74.58

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2022 йил 29 октябрдаги б-сонли йигилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли бўйргу билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9096-5-6

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиши маркази, 2023 й.

КИРИШ

Бугунги кунда ҳеч бир миллат ривожини таълим тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дунё тамаддунига назар солсак, ҳар бир ривожланиш чўққисига чиққан миллат, аввало, илмга, таълимга эътибор берганлигига гувоҳ бўламиз. Шу сабабли бугун мамлакатимизда ҳам таълимга, шу жумладан, олий таълимга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Албаттa, таълим олиш ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ривожланиб бормоқда. Яъни шу кунгача таълим шакли сифатида фақат анъанавий таълимни тушунган бўлсак, COVID-19 пандемияси даврида онлайн таълим тизимимизга кириб келди.

Бугунги кунда онлайн таълим тизимимизнинг ажралмас бир қисмига айланниб бормоқда. Шу сабабли олий таълим муассасаларига онлайн таълимни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар бериш мақсадида ушбу қўлланма яратилди. Бу қўлланмани яратишда ФАО (Бирлашган миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) электрон таълим академияси қўлланмасидан фойдаланилди. ФАО электрон таълим академияси 350 дан ортиқ кўп тилли мустақил электрон таълим курсларини бутун дунё бўйлаб таклиф қилади. Бу курслар озиқ-овқат ва озиқ-овқат хавфсизлиги, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ва табиий ресурсларни барқарор бошқариш мавзуларини қамраб олади. ФАО электрон таълим академияси дунё бўйлаб 200 дан ортиқ ҳамкорларни ўз ичига олган самарали ҳамкорлик натижасидир. Бугунги кунга келиб, ФАО электрон таълим академиясининг 600 000 дан зиёд фойдаланувчилари мавжуд, унинг ташаббуслари ва тадбирлари барқарор ривожланиш мақсадларига (Sustainable development goals) тўлиқ мос келади. Мазкур қўлланма олий таълим муассасаларида онлайн таълим сифатини ошириш бўйича замонавий ёндашув ва усувларни татбиқ этишга амалий ёрдам беради.

НИМА УЧУН ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШИМИЗ КЕРАК?

Электрон таълим олишни ривожлантириш ва осонлаштириш мақсадида электрон қурилмалар ва интернетдан фойдаланиш демақдир.

Кўпчилик ташкилот ва институтлар таълим бериш учун технологиялардан фойдаланиши ошироқдалар. Улар учун электрон таълимдан фойдаланишнинг афзаликлигидан бири сармоядан яхши даромад олишдир. Электрон таълим дастурларини ишлаб чиқиш мультимедиа ва юқори даражадаги интерфаол усувлар талаб қилинганлиги учун синф материалларини ёки тренерларни тайёрлашни ташкил қилишдан қўйматроқча тушади. Бироқ электрон таълимни етказиб бериш харажатлари (жумладан, web серверлар ва техник ёрдам харажатлари) анъанавий таълимдан материалларни қофозга чоп этилмаслиги, ўқитувчилар вақти тежалиши, таълим иштирокчиларининг саёҳат ва иш вақти тежалиши ҳисобига анча арzonга тушади.

Бундан ташқари, анъанавий усувлар орқали чекланган шахсларни ўқита олсак, электрон таълим орқали бутун дунё бўйлаб минглаб одамларни қамраб олиш мумкин, шу сабабли электрон таълим узоқ муддатда тежамкор усуздир.

Электрон таълим яхши ечим бўлади, қачонки:

- кўп сонли ўқувчиларга етказилиши керак бўлган катта контент мавжуд бўлганда;
- ўқувчилар географик турли хил жойдан бўлганда;
- ўқувчилар мобиллиги чекланганда;
- ўқувчиларда кун давомида таълим учун етарли вақт ажратиш имкони бўлмаганда;
- ўқувчилар самарали ёзиш ва ўқиш қобилиятига эга бўлганда;
- ўқувчилар камида бошланғич компютер ва интернет билимларидан ҳабардор бўлганда;
- мавзу бўйича ўхшаш билимларни ривожлантиришга эҳтиёж бўлганда;
- ўқувчилар ўқишига ва уни давом этишга юқори даражада мотивацияга эга бўлганда;
- контент келажакда турли хил ўқувчилар гуруҳлари учун қайта ишлатилиши керак бўлганда;
- таълим асосан когнитив ва шахслараро кўнилмаларни шакллантиришга қаратилган бўлганда;
- маълумотларни йиғиш ва кузатиш эҳтиёжи бўлганда.

Бундан ташқари электрон таълим мавжуд инфратузилмадан фойдаланади ва ўқувчилар фаолияти таълимни бошқариш тизимлари орқали бошқарилиши, кузатилиши ва назорат қилиниши мумкин.

Ҳар қандай маҳорат турини ривожлантириш учун электрон таълимдан фойдалана оламизми?

Таълим дастурлари турли хил қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган бўлади:

Когнитив кўнилмалар билим ва тушунишни ўз ичига олган (масалан илмий тушунчалар), қўйидаги кўрсатмаларга риоя қилишни (яъни процессуал кўнилмалар) ва янги вазиятларда муаммоларни ҳал қилиш усувларини қўллаш олишни (фикрлаш ва стратегик кўнилмалар) ўз ичига олади.

Шахслараро кўнилмалар фаол тинглашни, намоён қилишни ва музокаралар олиб боришни ўз ичига олади.

Психомотор күнікмалар жисмоний ҳислар ва ҳаракаттарни (спорт үйнаш ёки машина қайдаш) үз ичига олади.

Когнитив күнікмалар

Шахслараро күнікмалар

Психомотор күнікмалар

Электрон таълим булатының қандай қамрап олиши мүмкін?

Күпчилик электрон таълим курслари когнитив күнікмаларни ривожлантиради; когнитив соңа электрон таълим учун әнд мос. Когнитив соңа ичидаги стратегик күнікмалар күпроқ интерфаоллық талаб қылышы мүмкін, сабаби бу күнікма күпроқ бажарыш орқали ўрганилади.

Шахслараро күнікмаларни ҳам маҳсус методлардан фойдаланған ҳолда, электрон таълим орқали ўрганса бўлади. Масалан, онлайн ҳамкорлик фаолияти ёки интерфаол роль үйнаш орқали, тегишли мулоҳазаларни бериш орқали муносабат ва хатти-ҳаракатларни ўзgartириш мүмкін.

Электрон таълимни ўзингизнинг дастурингизга интеграциялаштирганда сўрашиниз лозим бўлган саволлар қўйидагилар:

- Анъанавий ва электрон таълимнинг нисбий нархи қанча?
- Тренинг бир бўлимда яхши етказиладими ёки вақт ўтиши биланми?
- Иштирокчилар керакли компьютер ва алоқа ускуналарига эгами?
- Иштирокчилар электрон таълим ва мустақил таълим учун етарли даражада мотивацияяга эгами?
- Дарсхонада ўтиладиган дарсларни енгиллаштириш учун иштирокчиларнинг вақти ва географик жойлашуви ҳисобга олинганми?

Электрон таълим мазмунининг турлари

Электрон таълим мазмунида кўпроқ ёки камроқ медиа ва интерфаол воситалардан фойдаланилган бўлиши мүмкін. Электрон таълим турлари таркибини қўйидагича таснифлаш мүмкін:

Оддий ўқув ресурслари

Оддий ўқув ресурслари интерфаол бўлмаган ҳужжатлар, PowerPoint тақдимотлари, анимацион видеолар, видео дарслклар ва аудио файллар орқали ўқитишидир. Бу материаллар интерфаол эмас сабаби ўқувчилар ўқийди ёки томоша қиласи, лекин ўзлари ҳеч қандай амал бажармайди. Улар белгиланған ўқув мақсадларига мос келганда

ва тизимли тарзда ишлаб чиқилганда, ҳаттоқи интерфаол бўлмаса ҳам, қимматли ўқув ресурси бўлиши мумкин.

Оддий ўқув ресурслари.

Электрон таълим курслари

Симуляциялар ва ўйинлар

Ишлашни қўллаб қувватлаш воситалари

Тестлар.

Электрон таълим курслари

Электрон таълим курслари бир ёки бирдан ортиқ ўқув мақсадларига мос келадиган мустақил интерфаол ўқув материалларидир. Улар матн, тасвирлар, анимациялар, аудио ва видеолар каби медиаларни ўзида жамлай олади.

Электрон таълим курслари бир ёки бир нечта электрон дарсларни ўз ичига олиши мумкин, бунда уларнинг давомийлиги максимум 30 дақиқа бўлиши керак.

Электрон ўқув дарси олдиндан белгиланган тартибда чизикли кетма кетликка эга бўлиши ёки ўқувчилар ўзларининг хоҳишига кўра танлайдиган тармоқли ёндашувли бўлиши мумкин.

Симуляциялар ва ўйинлар

Симуляциялар ва ўйинлар электрон таълимнинг юқори интерфаол шаклидир. Симуляция атамаси реал ҳолатда симуляция ҳолатини яратиш орқали ўқувчига буни бажариб ўргатишни назарда тутади. Симуляциялар ўқувчини реал дунёдаги вазиятга тушириш орқали унинг хатти-ҳаракатларига баҳо берувчи ўзига хос хусусиятга эга web таълим шаклидир. Ўқув ўйинлари рақобат компоненти, қийин мақсад, қоидалар ва чекловлар тўпламини ўз ичига олади.

Виртуал ҳақиқат ва кенгайтирилган ҳақиқат симуляция ва ўйинларни амалга оширишнинг самарали ҳамда янги усуллариdir. Виртуал ҳақиқат инсон ўзаро таъсирини симуляция қилиш учун ва ҳақиқий жисмоний сценарийларда амалий машғулотлар учун жудаям кучли бўлиши мумкин.

Ишлашни қўллаб-қувватлаш воситалари

Ишлашни қўллаб-қувватлаш норасмий таълим шакли бўлиб, ўрганувчиларнинг мавжуд билим ва кўнкималаридан фойдаланишини қўллаб-қувватлайди. Бу таълим шакли ўқувчиларнинг ишига интеграция қилинган. Бу таълим шакли аниқ саволларга тезкор жавоблар орқали ўқувчиларга вазифаларини фрилансерлик каби тез бажаришга ёрдам беради.

Ишлешни құллаб-құвватлаш воситалари бир нечта шаклларга эга бўлиши ва бир неча платформалар ёрдамида етказиб берилиши мумкин (масалан, компьютер, чоп этилган ҳужжат, мобил телефон орқали). Техник луғатлар ва назорат рўйхатлари оддий иш ёрдамчи воситаларининг бир нечта мисоллари, аммо мурраккаб мутахассис тизимлари ишчиларга мурраккаб вазиятларда қарор қабул қилишга ёрдам бера олади.

Тестлар

Тестлар (шунингдек, викториналар, баҳолашлар ёки билимларни текшириш каби-лар) электрон таълимнинг муҳим таркиби қисмидир. Улар электрон таълим курсига қўшилиши ёки мустақил таълимнинг бир қисми сифатида берилиши мумкин.

Тестлар ўқувчиларнинг ривожланәттанилиги ва ўрганиш самарадорлигини баҳолашга ёрдам беради. Шунингдек, улар ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш ва ўқув жараёнини шахсий фикр мулоҳазаларни тақдим этиш орқали қўллаб-құвватлашни билдиради.

Ижтимоий ўзаро таъсирни осонлаштириш

Ижтимоий ўзаро таъсир таркиби қисмлари электрон таълим мазмунини инсоний ва ижтимоий ўлчовлар билан тўлдиришга хизмат қиласди. Улар қўйидағиларни ўз ичига олади:

Электрон репетиторлик, электрон мураббийлик, электрон менторлик: ушбу хизматлар онлайн воситалар ва техникалар орқали индивидуал қўллаб-құвватлашни ва фикр билдириши амалга оширишdir.

Репетиторлик, мураббийлик, менторлик

Репетиторлик курс давомида топширикни бажариш учун репетитор ёки фасилитатор томонидан олиб борилади.

Мураббийлик маҳсус кўнималарни ривожлантиришга қаратилган хизматdir; у одатда мавзу бўйича мутахассис томонидан қисқа муддатли даврда олиб борилади.

Менторлик келажақдаги ўқувчиларни ривожланишини қўллаб құвватловчи узоқ муддатли хизматdir. Масалан, у олинганд билим ва кўнималарни иш жараёнида қўллашни рафбатлантиради.

Ҳамкорлиқда ўрганиш: бу тадбир фикр алмашиб ва мунозарадан умумий лойиҳа ва обьект устида биргалиқда ишлеш билан фарқ қиласди. Чатлар, муҳокама форумлари ва блоглар онлайн ҳамкорлик учун ўқувчилар орасида фойдаланилади.

Вебинарлар ва виртуал синфлар: бу ўқитиш усуллари анъанавий ўқитиш услубларига жудаям ўхшайди, чунки улар жонли тадбирлар бўлиб ўқитувчи ёки мавзу бўйича мутахассис томонидан олиб борилади. Ўқитувчи бир гурӯҳ ўқувчиларга реал вақтдан материаллар комбинациясидан (Powerpoint слайдлари, аудио ва видео материаллар) фойдаланган ҳолда дарс ўтади. Виртуал синф одатда савол-жавоблар, сўровлар, викториналар ва гурӯҳ ишлари каби интерфаол воситаларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам ўқитувчиларда, ҳам ўқувчиларда керакли техника ва яхши интернет мавжуд бўлиши керак.

Синхрон ва асинхрон электрон таълим

Синхрон тадбирлар реал вақтда ўтказилади. Икки одам ўртасидаги синхрон муносабатда бир вақтда иккаласиям бор бўлишини билдиради. Синхрон фаoliyatiga мисол қилиб чатларни ва аудио/видео конференцияларни келтиришимиз мумкин.

Асинхрон тадбирлар вақтдан мустақилдир. Мустақил ўрганиш электрон асинхрон таълимга мисолдир, чунки уни исталган вақтда ўрганиш мумкин. Электрон поча ёки муҳокама форумлари асинхрон алоқа воситаларига мисол бўла олади.

Осонлаштирилган онлайн курслар – осонлаштирилган / ўқитувчи томонидан олиб бориладиган курс ўқитувчи ёки фасилитатор томонидан ташкиллаштиради ва онлайн ўқув платформаси орқали ўргатилади. Бунда электрон таълим мазмуни ўқитувчинг лекциялари, индивидуал топшириқлар ва ўрганувчилар учун ҳамкорлик тадбирлари билан мослаша олади.

Аралаш (анъанавий ва онлайн) таълим

Онлайн таълимни самарали олиб боришнинг йўлларидан бири уни баъзи бир ўқув дастурларида анъанавий таълим билан бирга олиб боришдир. Бу ёндашув аралаш таълим деб номланади.

Аралаш таълим самарали ва мослашувчан ўқув курсини яратиш учун онлайн ва анъанавий таълимнинг бирлашмасидир (Стейн ва Граҳам, 2014).

Қўйида аралаш таълимга мисоллар келтирилган:

1. Анъанавий таълимдан олдин онлайн таълимдан фойдаланиш.
2. Электрон таълимдан анъанавий таълимнинг давоми сифатида фойдаланиш.
3. Электрон таълимни анъанавий таълимдан олдин ва кейин қўллаш.

Мобил таълим ва микротаълим ечимлари

Мобил таълим ресурсларига мисол қилиб видеолар, мобил қурилмага мос рақамли нашрлар, интерфаол назорат рўйхатлари, микродарслар, эслатмалар, фойдаланиш учун қўлай ўйинлар ва викториналарни кўрсатсан бўлади.

Худди шундай микротаълим битта мавзу ёки ўқув мақсадига қаратилган бўлади.

Дастурнинг муваффақияти учун муҳим элементлар

Дизайн: бир бирига боғланган учта босқич

Дастур дизайнни бир бирига боғланган учта фазага; бундан ташқари, ҳар бири олдингисига асосланган Bloom таксаномиясига асосланади: эслаш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва яратиш.

Яратиш	
Баҳолаш	Онлайн мураббийлик босқичи. Лойиҳавий ҳаракатлар режаси ва янги лойиҳаларни амалга ошириш
Таҳлил қилиш	Анъанавий таълим. Гуруҳ ишини мақсади миаммони таҳлил қилиш ва аниқлаш; миаммони танқидий руҳда ўрганиб чиқиш
Кўллаш	
Тушуниш	Электрон дарслар, қуизлар, онлайн мунозаралар, харитали машқлар
Эсда саклаш	

Яхши дизайн ва режалаштириш ҳамма турдаги дастурлар учун муҳим лекин электрон таълим лойиҳалари учун жудаям муҳим ҳисобланади.

Лойиҳа менежерлари ва инструкционал дизайннерлар электрон таълим лойиҳасини тасаввур қилиш орқали бошқаришлари учун бир нечта моделлар ишлаб чиқилган. Бу ҳужжатда биз ADDIE (Analysis, design, development, implementation and evaluation) моделлига мурожаат қиласмиз, бу модель жудаям машҳур ва бешта босқични ўз ичига олади: таҳлил қилиш, дизайн, ривожлантириш, амалга ошириш ва баҳолаш.

Электрон таълим лойиҳаларининг босқичлари:

1. Таҳлил қилиш

Таҳлил қилиш лойиҳанинг бошланишида қуйидагиларни аниқлаш учун керак:

- курс профессионал билим ва қобилиятлар ўтасидаги фарқни тўлдириш учун зарур;
- электрон таълим курсни етказишнинг энг яхши ечими.

2. Дизайн

Дизайн босқичи қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- умумий, юқори даражали курс обьектига эришиш учун ўрганиш обьектларини шакллантириш;

- обьектлар тартибини аниқлаштириш;
- инструкциявий, медиа, баҳолаш ва етказиш стратегияларини танлаш.

3. Ривожлантириш

Бу босқичда электрон таълим мазмуни ишлаб чиқилади. Мазмун ресурсларга боғлиқ бўлган ҳолда мутлақо фарқ қилиши мумкин. Масалан, электрон таълим мазмуни фақат оддий материаллардан ташкил топиши мумкин (камроқ ёки умуман интерфакслиги йўқ бўлган PDF ҳужжатлари каби), бу материаллар бошқа материаллар билан боғланиши мумкин (масалан, аудио ва видео файллар, тестлар ва вазифалар).

4. Амалга ошириш

Бу босқичда курс ўқувчиларга етказиб берилади. Courseware серверга юкланади ва ўрганувчилар ундан фойдалана олади. Ёрдам бериладиган ва инструктор томонидан олиб бориладиган курсларда, бу босқич бир гурӯҳ иштирокчиларга курсни етказиб бериш босқичи ҳисобланади ва шунингдек, ўрганувчиларнинг фаолиятини назорат қилиш ва уларга ёрдам бериш босқичи бўлиб ҳам саналади.

5. Баҳолаш

Электрон таълим лойиҳаси маҳсус мақсадлар учун баҳоланиши мумкин. Сиз ўрганувчиларнинг реакциясини баҳолашни, ишга алоқадор билим ва қобилиятларни ўрганишни ёки ташкилотга лойиҳанинг таъсирини баҳолашни хоҳлашингиз мумкин.

2.2. Жамоа

Яхши электрон таълимни дизайнлаштириш ва ривожлантириш мушкул вазифа. Бу матн таркиби, иллюстрация, тест қилиш, инструкция, интерфаол дизайн, интерфейс дизайн фойдаланувчиси, авторлик ва дастурлаштириш ва график дизайнери каби турли хил соҳалар бўйича билимлар мажмуасини талаб қиласди. Жамоа таркиби қуйидаги омилларга боғлик:

- лойиҳанинг ҳажмига;
- берилган ишнинг ҳажмига;

- жамоа аъзоларининг турли хил топширикларни бажара олиш қобилиятига;
 - талаб қилинган маҳсус медиа ва техник воситаларга.
- Қуийдаги вазифалар ADDIE моделининг жараёнларини шакллантириш учун зарур:

1) Лойиҳа менежери

Бу менежер даражасидаги инсон электрон таълим лойиҳаси бошланишидан олдин керак нарсалар ва аудитория таҳлилини амалга оширади, ҳамма жараёнларни ва ҳамма босқичдаги ишларни бошқаради ва ташкилот/институттинг фаолиятини баҳолайди.

2) Ўқув дизайнери (IDs)

Ўқув дизайнери умумий инструкционал стратегияга масъул. Улар менежерлар билан ўқув мақсадини тушуниш учун ишлайди, subject matter expert (SMEs) билан курс қандай билим ва қобилиятларни қамраб олиши кераклиги бўйича ҳамкорлик қиласди, мос инструкционал стратегияни танлайди ва стратегияни баҳолаш ва етказиб беришда жамоага ёрдам беради.

3) Subject matter expert (SMEs)

SMEслар билим сақловчилар. Улар курс учун керак бўлган билим ва маълумотга ҳисса қўшадилар. Улар IDsлар билан курсни дизайнни ва унинг стратегияларини баҳолаш бўйича ҳамкорлик қиласди.

4) Электрон таълим курс дастурларини ишлаб чиқувчи (courseware developer)лар ва график дизайнерлар

Электрон таълим developer лар ва график дизайнерлар мустақил таълим курсларини ривожлантириш учун масъул. Улар курс элементларини жамлайди, медиани ва интерфаол қисмларни ривожлантиради, courseware яратади ва уни web серверга ўрнатади.

5) Ўрганиш менежменти тизими администраторлари, онлайн фасилитаторлар ва репетиторлар

Булар осонлаштирилган ва инструкторли электрон курсларда намоён бўлади. Ўрганиш менежменти тизими (Learning management system-LMS) администраторлари ўрганиш менежменти тизимида курс майдонини яратади, ўрганувчиларнинг обунасини назорат қиласди ва техник ёрдам билан таъминлади.

ADDIEning турли хил жараёнлари учун масъуллар

Таҳлил қилиш (Analysis)	ID, SME
Дизайн (Design)	ID, SME
Ривожлантириш (Development)	ID, SME, Девелоперлар ва график дизайнерлар
Амалга ошириш (Implementation)	LMS администратор, репетитор, фасилитатор, SME
Баҳолаш (Evaluation)	ID, SME

2.3. Технология

Технология электрон таълимни ишлаб чиқиш ва етказиш учун керак. Рақамли воситалар ва технологиялар бир неча хил усулда ўқитишни, ўрганишни ва баҳолашни қўллаб-қувватлайди. Рақамли ўрганиш воситалари, қурилмалари, платформалари ва дастурлари ўқишини осон ва мослашувчан қиласди.

Мобил қурилмалар узоқ масофаларда ўрганувчилар учун фойдали бўлишини исботлаб берди. Шунаقا технологияларнинг ижтимоий фойдаси сифатида анъанавий таълим олишда қийинчиликка учраётган узоқ масофалардаги иштирокчиларни кўрсатишимииз мумкин.

Юқоридаги воситалардан фойдаланган ҳолда, ташкилотлар турли хил ресурсларни бир хил стандартга қўйган ҳолда улардан самарали чекланмаган сондаги фойдаланувчилар учун фойдаланса бўлади.

Баъзи лойиҳалар ўрганувчиларнинг кузатиш ва бошқариш учун, электрон таълим мазмунини бошқариш учун learning management system (ўрганиш менежменти тизими) талаб қиласди. ЛМС самарали административ восита, фақатгина тасаввур қилиш учун эмас, балки ўрганувчиларнинг ўзини, хатти-ҳаракатини ва ривожланишини кузатиш учун ҳам самаралидир. Шунингдек, марказий ресурс тизими инструкционал материалларни янгилаш ва каталогглаштириш учун жуда қуладир.

Видео конференция воситалари ўрганиш воситалари қанчалик ривожланаётганинг бир мисолидир. Skype, Zoom, MS Teams, GoToMeetings, WebEx, Google Hangout каби тизимлар компьютер ва мобил воситалар ёрдамида бирга бир, бирга кўп, кўпга кўп ишчи гуруҳда реал вақтда арzon усулда интерфаол тарзда билимлар алмашишишни таъминлайди.

Географик жиҳатдан турли хил жойда жойлашган ўқитувчилар ва ўрганувчилар бу дастурларнинг имкониятлари сабабли анъанавий дарсда бўлган сингари илим беришлари ва олишлари мумкин.

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Мақсадли аудитория таҳлили

Биз таълим дастури орқали нимага эришмоқчилигимизни билсак, кейинги қадам таълим йўналтирилган ўрганувчиларни аниқлашдан иборат.

Мақсадли аудитория таҳлили курс дизайнига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун керак. Уларнинг бир нечтаси қўйида баён этилган:

Хисобга олинган омил	Нима учун муҳим
Ўрганувчилар яшайдиган жой ёки географик ҳудуд	Бу таълим тилини ва маданий муаммоларни аниқлашга ва синхрон ёки асинхрон тарзда таълим берилиши учун муҳим (ўрганувчилар турли хил вақт ҳудудларида жойлашганлиги сабабли реал вақтдаги мулоқот муммо бўлиши мумкин)
Ўрганувчилар ишлайдиган ташкилот ва институтнинг тuri	Бу мақсадли аудитория гуруҳи учун маҳсус ўрганиш объектларини аниқлашга ёрдам беради

Ўрганувчиларнинг компьютер қобилиятлари ва техникавий кўнималари	Бу компьютерга асосланган интерфаол жараёнларнинг мураккаблигини аниқлашга ёрдам беради
Электрон таълим ва таълим мазмуни учун ажратса оладиган вақти	Бу маълумот мазмун ҳажмини аниқлашга ва уни кичик қисмларга бўлиш учун керак. Яъни, электрон таълим курси, microlearning ва performance support toolдан қайси бири таълим мазмунини тушунишга ёрдам беришини аниқлаш учун керак.
Ўрганувчиларнинг электрон таълимда иштирок этадиган жойи ва улар қаердан иштирок эта олишади. Улар уйда ўқийдими, ишхонадами ёки электрон таълим марказидами? Улар компьютер қаршисидами ёки смартфон ишлатадими?	Бу курс форматини танлашга таъсир кўрсатади. Масалан, юклаб олинадиган материалларга ёки мобил алоқа воситалари орқали ҳам фойдаланса бўладиган материалларга ўрганувчиларда эҳтиёж бўлиши мумкин.
Ушбу мавзуда ўрганувчиларнинг олдинги билим ва кўнималари	Умуман олганда, ўрганувчи олдин қандайдир билим ва кўнималарга эга бўлган бўлса, буни қайтадан яна тақорорлаш шарт эмас. Бу орқали биз тақорорлашни олдини олиб, билим ва кўнималарни ривожлантиришимиз мумкин.
Тармоқ тезлиги	Тармоқ тезлигига чекловлар жараённи секинлаштириши ва фойдаланувчи самарадорлигини пасайтириши мумкин. Баъзи вазиятларда паст тезлик маъқул кўрилиши мумкин.

Дастур нимани ўз ичига олиши лозим?

Фундаментал савол бундай: ўрганувчилар курс мақсадини тушунишлари учун қандай билим ва кўнималарни ўзлаштиришлари лозим? Бизнинг мисолимизда, савол қўйидагича: озиқ-овқат хавфсизлиги таҳлилчиси таҳлилларининг юқори сифатли бўлиши ва сиёсатчиларга самарали таҳлил тақдим этиш учун қанақа билим ва кўнималарга эга бўлиши керак?

Иш билан боғлиқ маҳсус шакллантириш, топшириқни бажариш учун мўлжалланган дастурлар учун таҳлил қилиш керак бўлган билим ва кўнималарни аниқлашнинг самарали усули ўқувчиларнинг олдинги билимлари бўйича мавжуд мълумотлар билан курс орқали олинадиган билимларни бирлаштириш бўлиши мумкин.

Топшириқ таҳлили нима?

Таълим дизайнни мазмунида, топшириқни таҳлил қилиш бу шахснинг ҳаракатлари ва қарорларини батафсил таҳлил қилиш ба бу ҳаракат ва қарорларни қўллаб-куватлаш учун зарур бўлган билимларни ўз ичига олади.

Топшириқ нима?

Топшириқ – маңсулот олиш, хизмат күрсатиши ёки натижага эришиш учун бажариладиган иш бирлигі.

Топшириқ таҳлили ёндашуви дизайннерларга ёрдам беради:

- ишга ва профессионал шахсларга йўналтирилган ўқув курсини яратишга;
- кўнкимга ва малакага эътибор қаратишга;
- реал мазмунга асосланган case сценарийларни яратишга.

Булар натижасида ўрганувчилар янги билимларини яхшироқ кундалик ҳаётда қўллай оладилар.

Топшириқ таҳлили қандай ишлайди?

Топшириқ таҳлили турли хил қадамларни ўз ичига олади, масалан:

1-қадам. Топшириқларни инвертаризациялаш. Ўқувчилар ўрганишлари ва яхшилашлари керак бўлган топшириқларни аниқлаш ва курс мақсадида ифодаланган натижаларга эришиш	2-қадам. Топшириқларга устуворлик бериш. Одатда ишдаги ҳар бир топшириқ учун тренинг ишлаб чиқиш мумкин эмас. Топшириқларни танлаётганда танқидий, давомийлик ва ташкилот манфаатидан келиб чиқиб афзалларини танлаш	3-қадам. Вазифаларни бўлиш. Қайси топшириқларни чуқурроқ таҳлил қилишни аниқлаб, уларни қисмларга бўлиб таҳлил қилиш. Сиз топшириқни тутгатиш учун талаб қилинадиган операцияларни аниқлашингиз керак	4-қадам. Талаб қилинадиган билимни аниқлаш. Олдинги қадамда аниқланган операцияларга керак бўладиган билимларни аниқлаш ва бу ўқув дастурининг бир қисми бўлиши керак
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Курс мақсадини аниқлаш учун муҳим бўлган омиллар

Курс мақсади:

- баҳолаш методини танлаш;
- кўрсаткичларни танлаш;
- таҳлил методларидан фойдаланиш;
- самарали ҳисобот тақдим этиш.

Ўқув объектини аниқлаш.

Ўқув объекти ҳар бир бўлимдан кутилган натижани белгилаб беради. Масалан, ўрганувчилар жараён қадамларини эслаб қоладими ёки улар ишлатиш имконига эга бўладими?

Үқұв обьекти нима?

Үқұв обьекти ўрганувчи томонидан әгалланған компетенция ва қобилятларни тасвирлаб берадиган сүз бирикмасидир. Объектлар курс учун мослашиши керак.

Үқұв обьекти иккита асосий элементни бирлаштиради:

– кутилган ижро даражасини (тасвирламоқ ва тушунтиromoқ каби ҳаракат феъллари билан);

– үқұв мазмунини (ўрганилиши керак бўлган билим ва қобилятлар турини, масалан озиқ-овқат хавфсизлиги маълумот тизимининг асосий обьектлари).

Пастдаги 2 та таксономия кутилган ижро даражасини ва сиз ўрганувчиларга тақдим қилмоқчи бўлган үқұв мазмуну турини аниқлашга ёрдам беради.

Когнитив домен учун ижро даражалари	
Когнитив доменнинг BLOOM таксономиясига кўра, үқұв обьекти когнитив доменнинг 6 хил турини назарда тутади, энг паст ижро даражаси (эслаб қолиш)дан энг баланди (яратиш)гача.	
Эсада сақлаш	Ўрганувчи маълумотни эслай олади ёки таний олади
Тушуниш	Ўрганувчи концепцияни қайта шакллантира олади
Амал қилиш	Ўрганувчи маълумотдан янгича тарзда фойдалана олади
Таҳлил қилиш	Ўрганувчи таркибий қисмлар ўртасидаги боғлиқни аниқлай олади ва уларни қисмларга ажратса олади
Баҳолаш	Ўрганувчи ўз қарорини стандарт ва критерияларга кўра исботлай олади
Яратиш	Ўрганувчи янги маҳсулот ёки ёндашувни тасаввур қила олади
Бошқа таксономиялар ҳиссий ва психомотор доменлар учун шакллантириллади.	

Үқұв мазмуну турлари

Күйидаги классификация 6 хил турдаги үқұв мазмунини белгилаб беради: далиллар, амалиётлар, концепциялар, принциплар, шахслараро қобилятлар ва хатти-ҳаракатлар.	
Далиллар	Ким? Қачон? Қаерда? Сўроқларига жавоб берадиган ноёб, маҳсус маълумот. Далиллар кўрсатилади, намойиш қилинади ва ўлчанади. Мисоллар: маълумот, тарихий воқеалар, рўйхатлар
Амалиётлар (procedure)	Амалиёт топшириқни тугаллаш учун аниқланган қадамлар жамланмасидир. Амалиёт қандай сўроғига жавоб бўлади.

Концепциялар	Мисол: Excel варағини түзиш үчүн күрсатмалар
Принциплар	Концепция обьектлар, фикрлар ва организмлар йиғиндиси ва битта сүз ёки термин билан аниқланади; умумий характеристикагага эга бўлади, мухим бўлмаган характеристикада фарқ қиласди, изоҳ талаб қиласди, Бу нима? деган саволга жавоб беради.
Шахсларо қобилиятлар	Масалан: Иқлим ўзгариш концепцияси
Хатти-ҳаракатлар	Принцип ёки қоида иккита концепция ўртасидаги алоқани кўрсатади. Масалан, нарх ошса, таклиф ошади. Баъзи принциплар стратегик қўйлганма бўлишиям мумкин, қийин топшириқ ва қарорларни бошқариш учун.

Ўқув обьектлари иерархияси

Матнни мантиқий ва ишончли усулда яратиш		
Мос тавсияларни аниқлаш	Матн структурасини тасвирилаш	Мос ёрдамчи маълумотни танлаш

Таълимни қандай етказиб бериш керак?

Муайян курс учун ўқитиш форматини танлаш танланган ўқитиш усули турига, шунингдек, ўқувчиларнинг хусусиятлари, технологик ва ташкилий чекловлар (масалан, бюджет) ва мавжуд вақт билан боғлиқ омилларга боғлиқ.

Ўқувчилар билан боғлиқ омиллар.

Талабалар учун қўйидаги мухим омилларни ҳисобга олиш керак:

Етказиб беришда ўқувчиларга яратилган қулайлик

Аудио ва видео конференция (яъни синхрон электрон таълим) ижтимоий мавжудликни ривожлантиришни осонлаштиради ва кўпроқ ўз-ўзидан алмашинувларни яратишга имкон беради. Бироқ, вақт чекловлари шуни англатади, ҳамма ҳам доим иштирок эта олмайди, айниқса, катта аудиторияларда. Бундан ташқари, аудио ва видео конференция она тилини ўрганмаганлар учун бўлиши мумкин. Аксинча, ҳар бир киши асинхрон муҳокамалар ва форумларда қатнашиши мумкин.

Талабаларнинг техник билим даражаси

Талабалар электрон доска ва видео конференция билан ишлашда қийинчиликларга дўч келишлари мумкин. Уларга қанчалик техник ёрдам таклиф қилиниши мумкинлигини ҳисобга олиш мухимдир.

Талабаларнинг бўш вақти

Умуман олганда, асинхрон ўрганиш вақтни бошқариш бўйича кўпроқ мослашувчаликни беради. Талабалар ўзлари учун қулай бўлган вақтда сабоқ олишлари ва муҳокамаларга ҳисса қўшишлари ва керак бўлганда тез-тез материалларни кўриб чиқишилари мумкин. Агар ўқувчилар банд бўлса, турли вақт зоналарида бўлса ёки

қатый жадвалларга мос келмаса, улар фәқат маълум соатларда умумий компьютерга киришлари мумкин бўлса, асинхрон виситалар афзал бўлиши мумкин.

Технологик жиҳатлари:

Технология бўйича қарор қабул қилишдан олдин ўқувчилар компьютерларининг имкониятлари, шунингдек, уларнинг инфратузилмаси ва уланиш имкониятларини ҳисобга олиш керак.

Етказиб бериш форматини танлашда ўқувчиларнинг тармоқ тизимларига осон киришларини тушуниш жуда муҳимдир. Тармоқ, кенглиги чекловларидан хабардор бўлиш, айниқса, муҳимдир. Масалан, Интернетга кириш чекланган бўлса, материалларни юклаб олинадиган форматда тақдим этиш ёки мобил технологиялар орқали ўқитиш керак бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, планшетлар ва мобил телефонларда тўғри кўрса-тилиши мумкин бўлган мобил формат мослаштирилиши керак бўлади.

Ташкилий талаблар ва чекловлар:

Мавжуд вақт ва бюджет каби бир қатор ташкилий талаблар ва чекловлар таълим бериш форматларини танлашга таъсир қиласди. Мустақил ўрганишни ривожлантириш одатда виртуал синфни тайёрлашдан кўра кўпроқ вақт талаб қиласди. Энг кам миқдорда кўрсатма берилиши керак бўлганда катта виртуал синфлар энг яхши ечим бўлиши мумкин. Мустақил таълим курсини ривожлантиришга сармоя киритиш шошилинч таълим эҳтиёжларини эмас, балки узоқ муддатли таълим мақсадларини қондириш учун мантиқийдир.

Талабалар сонини ва келажақда қанча ўқув тадбирлари режалаштирилганлигини билиш харажатлар таъсирини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдали амалиётлар

Асинхрон ва синхрон таълим ва ҳамкорлик виситаларидан фойдаланиш орқали муйян эҳтиёжларга мос келадиган электрон таълим ечимларини аниқлаш мумкин.

Баъзи фойдали амалиётлар ўз ичига қўйидагиларни олади:

• Структуравий ва маҳсус ечимларни бирлаштириш

Мисол учун, озиқ-овқат хавфсизлигини таҳлил қилиш бўйича кенг қамровли ўқув дастури мустақил курс сифатида ишлаб чиқилиши мумкин, қисқа виртуал семинарлар эса яқинда пайдо бўлган муаммони ҳал қилиш учун методология ёки кўрсатмаларга янгиланишларни кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин.

• Маҳаллийлаштириш

Агар сизда турли хил ва географик жиҳатдан тарқоқ ўқувчилар гуруҳи бўлса, улар учун таржима ва маданий ўзгаришлар талаф этилади, сиз барча ўқувчилар учун инглиз тилини мустақил равишда ўргатадиган катта электрон ўқув курсини, сўнгра маҳаллий тилда виртуал дарсларни ишлаб чиқишига қарор қилишингиз мумкин.

• Юклаб олишга руҳсат бериш

Ҳаттою қори даражада ривожланган инфратузилмага эга бўлган шароитларда ҳам ўқувчилар Интернетга доимий кириш имконига эга эмаслар. Улар онлайн мазмунни юклаб олишлари ва у билан оффлайн режимда ишлашлари керак.

Таълим усууларини аниқлаш

Анъанавий юзма-юз ўқитишда бўлгани каби, ҳар қандай электрон таълим дастури турли хил ўқитиш усууларининг комбинациясидан фойдаланади. Буларни учта асосий тоифага гуруҳлаш мумкин:

Экспозитив үсуллар – бу янги маълумотни “сингдириш” ни таъкидлайди. Экспозитив үсулларга тақдимотлар, case studyлар, ишланган мисоллар ва кўргазмалар киради.

Кўллаш үсуллари – фаол жараёнларни таъкидлайдиган ўқувчиларнинг процессуал ва принципларга асосланган вазифаларни бажариш ва янги билимларни яратиш учун фойдаланилади.

Ҳамкорлик үсуллари – ўрганишнинг ижтимоий жиҳатини таъкидлаб, ўқувчиларни билим алмашиш ва ҳамкорликда вазифаларни бажаришга жалб қилиш. Уларга онлайн йўл-йўрикли мунозаралар, ҳамкорликда ишлаш ва тенгдошлар ўртасида репетиторлик киради.

Экспозитив үсуллар ўз ичига олади:

- Тақдимотлар: маълум бир мавзу бўйича ташкил этилган маълумотлар.
- Case studyлар: мавзуга оид реал, муҳим ҳолатлар.
- Ишланган мисоллар: мавзуга оид мисоллар, шарҳлар ва назарияга аниқ ҳаволалар.
- Намойишлар: топшириқни қандай бажариш мумкинлиги ҳақида иллюстрациялар.

Кўллаш үсуллари ўз ичига қўйидагиларни олади:

- кўргазмали-амалий метод;
- иш учун ёрдам;
- сценарий асосидаги машқлар;
- роллар ижроси;
- математик моделларга асосланган симуляциялар (рамзий симуляциялар);
- тадқиқот ва лойиҳа ишларига раҳбарлик қилади.

Ҳамкорлик үсулларига қўйидагилар киради:

- онлайн мунозаралар;
- ҳамкорликдаги иш;
- тенгдошларнинг репетиторлиги.

Баҳолаш стратегиясини аниқлаш

Сизнинг курсингиз учун бошқа бир муҳим қарор стратегияни баҳолашдир. Бу ҳақида ўйлаш дизайн босқичидан бошлаб муҳим аҳамият касб этади.

Баҳолашнинг мақсади нима?

Баҳолаш маҳсус мақсадларни баҳолаш учун амалга оширилади. Сиз курсни туга-тишдан олдин ривожланиш босқичидан бошлаб уни баҳолашни хоҳлашингиз мумкин ёки курс охирауда унинг самарадорлигини ёки олдинги курсни баҳолаш амалга оширилиши мумкин, яъни курс ҳалиям яроқли ва янги мазмунда қайта ишлата олиши мумкинлигини билиш учун.

Бошқа сўз билан айтганда, курсни баҳолашни хоҳлашингиз мумкин:

- кўргазмали курслар ва маҳсулотларни ривожлантириш учун ривожланиш босқичида (**форматив баҳолаш**);
- таълимнинг, ўқишининг тренингнинг самарадорлигини баҳолаш учун амалга ошириш босқичидан олдин ёки шу босқич давомида (**сумматив баҳолаш**);
- курс амалга татбиқ этилгандан бироз вақт ўтиб, у ҳалиям яроқлими ёки янгиланиши кераклигини билиш учун (**конфирматив баҳолаш**).

Нима баҳоланади:

Киркпатрик моделига кўра, баҳолаш 4 даражани ўз ичига олади:

- ўрганувчиларнинг реакциялари;
- таълим;
- хатти-ҳаракат;
- натижалар.

Ўрганувчиларнинг реакцияси деганда дастурда қатнашаётганлар агар унда фаол қатнашса ва бу уларга ёқса улар қандай фикр билдиришларини тушунишидир. Бу асосан курс охирида ўрганувчиларга савол бериш ва сўровнома ўтказиш орқали аниқланади. Осонлаштирилган электрон курсларда ўрганувчиларнинг иштироки курс давомида фасилитатор томонидан кузатиб борилади.

Таълимни баҳолаш мақсад қилинган мақсадларга эришилганлигини баҳолайди. Курснинг турига қараб курсда қатнашиши натижасида ўрганувчиларнинг билими ошган, қобилияtlари ривожланган ёки хатти-ҳаракатлари ўзгарган бўлади.

Таълимни баҳолаш мақсад қилинган мақсадларга эришилганлигини баҳолайди.

Баҳолаш ўқув мақсадлари билан тўғри келиши мухим, яъни у дизайн босқичида қўйилган мақсадларни ифодалайди.

Таълимни баҳолаш

Ўқув мақсадининг турига қараб таълимни баҳолашда турли хил методлардан фойдаланилади.

